

Ўзбекистон – Туркманистон:

ВАҚТ СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов 7 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 8 октябрь куни бўлиб ўтди. Кўксарой қароргоҳида Туркманистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Азалий кўшни ва қардош бўлган ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги муносабатлар мустақиллик йилларида янгича мазмун касб этди. Бугун Ўзбекистон — Туркманистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустақамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожига Ислам Каримов билан Гурбангули Бердимухамедовнинг яқин дўстлиги, бир-бирига хурмати ва ишончи муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустақамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов икки томонлама муносабатларни мустақамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк кизматлари учун Туркманистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланган. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовга Ўзбекистон Республикасининг "Мустақиллик" ордени топширилган.

Ислам Каримов ва Гурбангули Бердимухамедов тор доирадаги музокаралар чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этдилар, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Туркманистон раҳбарининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз муносабатлари тарихида муҳим сиёсий воқеа, яхши қўшничиликка асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади.

Туркманистон Президентини давлатимиз раҳбарига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда мутасил тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзбекистон билан Туркмани-

стон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркманистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчлик-севарлик, яхши қўшничилик тамойилларига қурилган.

Ўзбекистон ва Туркманистон қўшни Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини яна бир бор таъкидладилар. Терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби таҳдидларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликка доир масалаларни ҳам муҳокама этдилар.

Мамлакатларимиз трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланиш борасида ҳам бир хил ёндашувга эга. Сув-энергетика соҳасига оид масалалар халқаро ҳуқуқнинг умум-этироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида, минтақадаги барча давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ташкилотлар иштирокида кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланди. Трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотлари қуриш масалаларига БМТнинг тегишли конвенциялари талабларига тўла риоя қилган ҳолда ёндашиш лозимлиги қайд этилди.

Давлат раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда савдо-иқтисодий, сармовий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбоблаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Кейинги олти йилда бу кўрсаткич 3 баробар ўсиб, 2014 йил якунларига кўра 413 миллион долларни, жорий йилнинг январь-август ойларида 245 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Туркманистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ва турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркманистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар келтирилади.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг иқтисодий салоҳияти ҳамкорлик қўламини янада кенгайтириш имконини беради. 2012 йилда имзоланган Ўзаро етказиб бериш тўғрисидаги ҳукумат-

лараро битим ҳамда 2013-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ ўзаро савдо ҳажмини янада ошириш ва уни диверсификация қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳукуматлараро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг август ойида Ашхободда ўтказилган Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Туркманистон ҳукуматлараро комиссияси йиғилиши савдо-иқтисодий алоқалар мустақамлашишида яна бир муҳим қадам бўлди.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг яна бир устувор йўналишидир. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга, Туркманистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграцияланган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Президентимиз Ислам Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Умон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва жаҳон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган ва тобора кенгайиб бораётган Туркманистон — Ўзбекистон — Қозғистон — Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир.

Музокарада савдо айланмаси ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва анъаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустақам асос бўлмоқда. Маданият соҳасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакат спортчилари, маданият ва санъат намояндлари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестивал ва кўргазмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалмоқда. Олимларимиз биргаликда қишлоқ хўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда изланишлар олиб бормоқда.

Мамлакатларимиз сайёҳлик соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. "Буюк ипак йўли" лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташкил этилмоқда. Сентябрь ойида Туркманбоши шаҳрида ўтказилган "Сайёҳлик ва саёҳат" халқаро кўргазмаси ва конференцияси-

да мамлакатимиз вакиллари иштирок этди. Қуни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ипак йўлида туризм" XXI Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркасида Туркманистон фирма ва компаниялари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан бу борадаги алоқаларни кенгайтириш, биргаликда саёҳатлар ташкил этиш бўйича келишувларга эришди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Кўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиклик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Куннинг иккинчи ярмида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Мустақиллик майдонига ташриф буюрдилар. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди. Гурбангули Бердимухамедов бу майдондаги доимий ашиллик ва мўътадиллик Ўзбекистондаги тинчлик ва фаровонлик, бутун мамлакатда амалга оширилаётган бунёдкорликдан дарак беришини таъкидлади. Туркманистон Президенти Хотира майдони билан ҳам танишди.

Икки давлат раҳбарлари "Бунёдкор" стадионини бориб кўрдилар. Ушбу мажмуанинг кўрку салобати, меъморий ечими, спортчилар ва томошабинлар учун яратилган замонавий шарт-шароитлар олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Президентлар пойтахтимизда бунёд этилган "Минор" масжидига ташриф буюрди. Гурбангули Бердимухамедов масжид миллий ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этганини таъкидлади.

Шу билан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди. Дўстона ружда ўтган ташриф якунлари мамлакатларимизнинг вақт синовидан ўтган ва изчил ривожланиб бораётган ҳамкорлигига янги суръат бахш этади.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

2015 йил 18 сентябрь № 14 Тошкент шаҳри

Шахсни ғайририхтиёр тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасига мувофиқ, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Психиатрия ёрдами руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг руҳий соғлиғини 2000 йил 31 августдаги "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган асослар ва тартибда текширувдан ўтказишни, уларни профилактика қилишни, уларга ташхис қўйиш, уларни даволаш, парвариш ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан тиклашни ўз ичига олади.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Жазонинг одиллиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги

янги қонун ана шу тамойилларни тўлақонли таъминлашга қаратилган

Мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар ҳам босқичма-босқичлик ва узвийлик билан амалга оширилиб келинмоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур соҳадаги қонунчиликимиз ҳам миллий менталитетимиз, ҳам умум-этироф этилган халқаро принцип ва нормаларга мос равишда такомиллашиб бораётгани, энг асосийси, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга қаратилгани билан эътиборга моликдир.

Бу ҳақда сўз борганда, ўлим жазосининг бекор қилингани, жиноий жазоларнинг либераллаштирилгани, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш, шу-

нингдек, "Хабеас корпус" институтларининг жорий қилинганини соҳадаги ислохотларнинг ёрқин мисоли сифатида қайд этиб ўтиш жоиз.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Замонавий корпоратив бошқарув

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Бугунги кунда акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, ушбу субъектларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш — мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган тадрижий ислохотларнинг энг муҳим талабларидан ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, мазкур тизимга замонавий корпоратив бошқарув услубларини кенг жорий қилишни тақозо этади.

Президентимизнинг шу йил 24 апрелда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида бу борадаги вазифалар белгилаб берилгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Айни вақтда мазкур Фармон ижросига катта эътибор қаратилмоқда. Бунда соҳага оид амалдаги қонунларни ушбу Фармон талабларига мослаштириш масаласи айника, муҳим ўринга эга.

(Давоми учинчи бетда)



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИНИНГ

Қ А Р О Р И

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Рухий ҳолати бузилган шахсларга психиатрия ёрдами кўрсатиш давлат томонидан кафолатланади ва қонунийлик, раҳм-шафқат, инсонпарварлик ҳамда инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш принциплари асосида амалга оширилади.

Шунингдек, 2001 йил 11 майдаги "Аҳолини сил касаллигидан муҳофиза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида сил касаллигининг олдини олишга қаратилган ижтимоий, тиббий, санитария-гигиенага оид, эпидемияга қарши ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишнинг, шунингдек сил касаллигига чалинган беморларни аниқлаш, даволаш, диспансер кўригидан ўтказиш ва реабилитация қилишнинг ҳуқуқий асослари белгиланган.

Юқорида қайд этилган қонунлар асосида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига 33¹ ва 33²-боблари киритилган бўлиб, тегишнча шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги фуқаролик ишларини алоҳида иш юритиш тартибда кўриш белгиланган.

Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ва судлар томонидан мазкур тоифадаги ишларни кўришда келиб чиқаётган масалаларни тушунтириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризаларни ўз вақтида ва тўғри ҳал қилиш фуқарони малака-ли тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатларидан бири эканлигига қаратилсин.

2. "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 27, 29-моддаларига мувофиқ, агар рухий ҳолати бузилган шахсни фақат стационар шариоитида текширувдан ўтказиш ёки даволаш мумкин бўлса, рухий ҳолатнинг бузилиши эса оғир ва унинг ўзи учун ёки атрофидагилар учун бевосита хавф туғдириши, унинг ноқорлиги, яъни асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда қондиришга лаёқатсизлиги, агар шахс психиатрия ёрдамисиз қолдирилгудек бўлса, рухий ҳолати ёмонлашуви оқибатида унинг соғлигига жиддий зарар етказилиши билан боғлиқ бўлса, уни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия муассасасига ётқизиш масаласи судлар томонидан ҳал қилиниши тушунтирилсин.

3. Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари психиатрия муассасаси жойлашган ердаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқлилигига судларнинг эътибори қаратилсин.

4. Назарда тутмоқ лозимки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар жумласига кирди ва ариза мазмун жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддасида ҳамда 297¹-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши лозим ва психиатрия муассасасининг раҳбари томонидан имзоланади.

Ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига

ётқизиш тўғрисидаги аризага шифокор психиатрлардан иборат комиссиянинг шахснинг психиатрия стационарига ётқизиш зарурлиги тўғрисидаги асосланган ҳулосаси илова қилиниши шартлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Шунингдек, шахснинг психиатрия стационарида бундан кейин бўлиши зарурлиги тўғрисидаги асосланган ҳулоса унинг стационарда ётиш муддатини узайтириш ҳақидаги аризага илова қилиниши лозимлиги судларга тушунтирилсин.

5. Судларнинг эътибори ФПК 160-моддасида назарда тутилган ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатлар билан биргаликда ушбу кодекснинг 297¹-моддасида назарда тутилган аризани судда кўриб чиқиш учун зарур бўлган муддатда шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласини ҳал этишлари лозимлигига қаратилсин.

Бунда, шахснинг психиатрия стационарида бўлиб туриши масаласи аризани қабул қилиш вақтида ҳал қилиниши ва ажрим тарзда расмийлаштирилиши ва ажримда шахсни психиатрия стационарида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган бўлиши шартлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

6. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

7. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

8. Қонуннинг 12²-моддасида сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахснинг сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

9. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

майди, бироқ суд унинг келишини шарт деб топиши мумкин.

Бундай тоифадаги ишлар бўйича суд мажлиси суднинг биносига ёки иш ҳолатига кўра, психиатрия стационарида ўтказилиши мумкин.

Психиатрия стационарига ётқизилаётган шахснинг қонуний вакили тушунчаси ва доираси "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги қонунда белгиланганлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Бунда, Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, фуқаро ўзига психиатрия ёрдами кўрсатилаётганда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзи хоҳлаган вакилни тақдир этишга ҳақли. Вакиллини расмийлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахс ва қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсга психиатрия ёрдами кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки бошқа қонуний вакиллари, улар бўлмаган ҳолларда эса — ижтимоий таъминот ёки махсус таълим психиатрия муассасаси маъмурияти ҳимоя қиладилар.

Суд шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризани кўриб чиқиш якуни бўйича ФПКнинг 203-206, 219, 297²-моддаларига асосан ҳал қилув қарори чиқаради.

7. "Аҳолини сил касаллигидан муҳофиза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 12¹-моддасида сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган, диспансер ҳисобида турган ҳамда тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган шахс сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига суднинг ҳал қилув қарори асосида ғайриихтиёрий тартибда ётқирилиши белгиланганлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган шахснинг психиатрия стационарига ётқизиш зарурлиги ҳақидаги ҳулосаси илова қилиниши шартлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

8. Қонуннинг 12²-моддасида сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахснинг сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

9. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

10. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

11. Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахснинг сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

нинг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари мазкур шахс диспансер ҳисобида турган ёки даволанаётган сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари судловига тааллуқлилигига судларнинг эътибори қаратилсин.

10. Шахсни ғайриихтиёрий тартибда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш ҳақидаги аризалар алоҳида иш юритиш тартибда кўриладиган ишлар жумласига кирди ва ариза мазмун жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси ФПК 149-моддаси ҳамда 297²-моддаси талабларига мувофиқ бўлиши лозим ва муассасанинг раҳбари томонидан имзоланади.

11. Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғрисидаги аризага ушбу муассаса тиббий комиссиясининг тиббий текширувдан ва (ёки) даволанишдан бўйин товлаётган шахснинг ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш зарурлиги ҳақидаги ҳулоса илова қилиниши, ҳулосада даволаш ўтказиладиган муддат кўрсатилиши лозимлиги судларга тушунтирилсин.

Шунингдек, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимида ғайриихтиёрий тартибда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ушбу муассаса тиббий комиссиясининг шахс даволанишда бўлган муассасада ётиши муддатини узайтириш зарурлиги ҳақидаги ҳулосаси илова қилиниши, ҳулосада даволаш ўтказиладиган муддат кўрсатилиши лозимлигига судларнинг эътибори қаратилсин.

12. Судларга тушунтирилсинки, шахсни ғайриихтиёрий тартибда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги ишлар мазкур шахс диспансер ҳисобида турган ёхуд даволанаётган сил касаллигига қарши кураш муассасасининг вакили — тиббий комиссия аъзоси, сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган шахснинг вакили, шунингдек прокурор иштирокчида кўриб чиқилади.

Сил касаллигининг юқумли шаклига чалинган, иши судда кўриб чиқилаётган шахс, агар унинг соғлиги ҳолати имкон берса, суд мажлисига чақирилиши мумкин.

ФПК 297²-моддасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги фуқаролик ишларга ҳам тааллуқли.

13. Судларга тушунтирилсинки, шахсни психиатрия

стационарига ётқизиш тўғрисидаги ёки унинг стационарда ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриш қонунда белгиланган ўн кунлик муддат ҳамда шахсни сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий тартибда ётқизиш ҳақидаги ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани кўриш учун қонунда белгиланган уч кунлик муддат иш кўзатиладиган кундан бошлаб ҳисобланади.

Шу муносабат билан фуқаролик ишни кўзатиш, ишнинг судда кўришга тайёрлаш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш ва ишнинг судда кўришга тайинлашда судлар белгиланган муддатлардан келиб чиқилган зарурлиги тушунтирилсин.

"Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 24-моддасида кўрсатиб ўтилган беморнинг ҳуқуқларидан келиб чиқиб, шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари ёпиқ суд мажлисида кўрилиши тушунтирилсин.

ФПКнинг 219-моддасига асосан судлар томонидан шахсни ғайриихтиёрий тартибда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш тўғрисидаги аризани қаноатлантириш ҳақидаги ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилиши лозим.

Ҳал қилув қарори устидан психиатрия стационарига жойлаштирилган шахс, унинг вакили, психиатрия муассасаси раҳбари ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ғайриихтиёрий равишда ётқизилган шахс, унинг вакили, сил касаллигига қарши кураш муассасаси раҳбари қонунда назарда тутилган тартибда шикоят қилиши, прокурор протест келтирилиши мумкин.

Шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасаларда ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишлари бўйича суд ҳаражатлари аризачидан ундирилмаслиги судларга тушунтирилсин.

14. Судлар шахсни ғайриихтиёрий тартибда психиатрия стационарига ҳамда сил касаллигига қарши кураш муассасасининг ихтисослаштирилган бўлимига ётқизиш ёки унинг ушбу муассасада ётиши муддатини узайтириш билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўришда Ўзбекистон Республикасининг "Психиатрия ёрдами тўғрисида"ги Қонуни 28-моддасида ва "Аҳолини сил касаллигидан муҳофиза қилиш тўғрисида"ги Қонуни 12²-моддасида белгиланган муддатларга қанчалик риоя қилинганлигига алоҳида эътибор қаратишлари, бу борада аниқланган қонунбузилиши ҳолатларига ҳар доим ҳам ФПКнинг 19-моддасига асосан муносабат билдириб бориш чорасини кўришлари лозим.

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Тақдир экан, оғир хасталикка чалиниб, уйда ётиб қолдим. Якка-ю ягона қизимга васиятнома қолдириш ниятидаман. Саволим шуки, мен бундай вазиятда нотариал ҳаракатларни қандай амалга оширишим мумкин? Масалан, нотариусни уйимга чақиришим мумкинми?

Насиба ҲАМРОҚУЛОВА,

Андижон вилояти, Андижон шаҳри

— Албатта, Сиз нотариусни уйингизга чақириб, васиятнома расмийлаштиришингиз мумкин. Амалдаги "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жойи белгилаб қўйилган бўлиб, унга кўра, нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларида амалга оширилади.

Фуқаро касаллиги, ноғи-

ронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра, нотариал идорага бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда амалга оширилиши мумкин.

Қонун ҳужжатларида нотариал ҳаракатлар нотариал идораларнинг биноларидан ташқарида амалга ошириладиган бошқа ҳоллар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Бир танишимнинг номидаги автомашинани ишончнома асосида бошқариб келаётган эдим. Аммо у яқинда белгиланган муддат тугамасдан ишончнома бекор қилишни айтиб қолди. Айтинг-чи, унинг бу хатти-ҳаракати тўғрими?

Аида АББОСОВА,

Қашқадарё вилояти, Китоб тумани

— Фуқаролик кодексининг 134-моддасида қайд этилганидек, бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вақилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вақил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради.

Ишончнома кўпи билан уч йил муддатга берилиши мум-

кин. Агар ишончнома муддат кўрсатилган бўлмаса, у берилган кундан бошлаб бир йил мобайнида ўз кучини сақлайди. Берилган кун кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий эмас. Сизнинг саволингизга келсак, мазкур кодекснинг 141-моддаси иккинчи қисмига кўра, ишончнома берган шахс исталган вақтда ишончнома бекор қилиши, ишончнома бекор қилиши, ишончнома бекор қилиши мумкин.

Илтимос, масъулияти чекланган жамият ҳақида маълумот берсангиз?

Ўткир ЛАФАСОВ,

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани

— Амалдаги Фуқаролик кодексининг 62-моддасига асосан, масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият олинадиган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номи, шунингдек, "масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўлади.

Жорий ўқув йилида олий ўқув юртининг магистратура босқичига ўқишга қабул қилиндим. Илтимос, магистратура талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумот берсангиз.

Соҳибжон ҒАЙБУЛЛАЕВ,

ТДЮУ магистранти

— Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги "Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан тасдиқланган Магистратура тўғрисидаги низом 3-бандида магистратура талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўрсатиб қўйилган.

Унга асосан, магистратура талабалари:

таълим, фан, маданият, техника, иқтисодиётни, ижтимоий ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларига мувофиқ билимларни олиш;

олий таълим муассасаси фаолияти билан боғлиқ муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда бевосита иштирок этиш;

олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан, ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек, олий таълим муассасасининг уставада белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;

олий таълим муассасаси ахборот-ресурс марказлари хизматларидан, шу жумладан, ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек, олий таълим муассасасининг уставада белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;

ўз илмий-тадқиқот ишларини илмий нашрларда чоп этишга тақдим этиш;

олий таълим муассасаси Илмий кенгаши тавсиясига мувофиқ етакчи хорижий ва республика таълим (илмий) муассасаларида амалиёт ўташ, стажировкада бўлиш ёки магистрлик диссертациясининг таҳриба-синов қисмларини бажариш учун ушбу муассасалар билан тегишли келишувлар мавжуд бўлганда уларга йўлланма олиш;

олий таълим муассасаси раҳбариятининг қарорларида норози бўлган тақдирда тегишли идораларга белгиланган тартибда шикоят қилиш;

талабалар учун қонунчиликда белгиланган тартиб ва миқдорлардаги стипендия, Давлат стипендияси ҳамда ўқим-ўқув-методик ва илмий адабиётлардан, шунингдек, олий таълим муассасасининг уставада белгиланган тартибда бошқа турдаги хизматлардан бепул фойдаланиш;

илмий-тадқиқот ишларида, конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;

Саволларга жиноят ишлари бўйича Сергели туман судининг судьяси Шерзод Юлдашев жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу маънода 2015 йил 11 августдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуннинг 4, 5 ҳамда 8-моддаларида озодликни чеклаш тарикасидаги янги жиноий жазо турини киритишга ҳамда уни тайинлаш ва ижро этиш тартиби ва шартларига доир нормалар белгилангани диққатга моликдир. Ушбу қонунда амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларига тегишли қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Айтиш керакки, қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси янги, "Озодликни чеклаш" номли 481-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, озодликни чеклаш суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқшни чеклашдан иборат.

Озодликни чеклаш олти ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро

этишдан бўйин товланинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Шунингдек, қўлланилаётган тақиқнинг (чеклашнинг) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, суд маҳкумнинг зиммасига куйидаги қўшимча тақиқларни (чеклаш-

маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик; муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик; алоқа воситаларидан, шу жумладан, интернетдан фойдаланмаслик; алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилади.

Бу меъёрнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, агарда маҳкум озодликни чеклаш тарикасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товланган вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, озодликни чеклаш тарикасидаги янги жиноий жазо турининг амалиётга жорий қилиниши жазонинг одиллиги ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини таъминлашга, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги шахслар миқдори камайишига, халқаро стандартларни янада имплементация қилинишига, энг муҳими, оилавий алоқаларнинг сақлаб қолиниши ва маҳкумларнинг ижтимоий мослашувига шариоит яратилишига хизмат қилади.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты

Yangi qonun mohiyati

Жазонинг одиллиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги

янги қонун ана шу тамойилларни тўлақонли таъминлашга қаратилган

ларни) юклаши мумкин: муайян жойларга бормаслик; оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик; муайян фаолият билан шуғулланмаслик;

муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзида сақламаслик;

транспорт воситасини бошқармаслик; маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлашиш мажбуриятларини, шунингдек, унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Мазкур меъёрнинг муҳим хусусияти шундаки, унга кўра, агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига

Мамлакатимиз барча жабҳаларда улкан ютуқларга эришяётганини бугун нафақат юртдошларимиз, аини чоғда халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Фуқароларнинг қонун олдига тенглиги, жамиятда инсон ҳуқуқи ва манфаатлари устуворлиги тўлиқ таъминланаётгани ана шундай ютуқларимиз сирасидандир. Ҳар бир шахснинг жамияти ҳуқуқлари, жумладан, мурожаат қилиш ҳуқуқи ва кафолатлари қонунчилигимизда мустақамлаб қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Mezon

Фуқаролар мурожаати — қонун ҳимоясида

ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашнинг таъсирчан ва самарали ҳуқуқий негизи яратилди, бу борадаги мавжуд бўшлиқ эса тўла барҳам топди.

Қонуннинг устувор жиҳатларидан бири — жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар, шу юзадан қонун бузилиши ҳолатлари учун жавобгарлик чоралари, давлат органлари, мансабдор шахсларга мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадларини кўзлаганидир.

Қонунга кўра, мурожаат қилиш ҳуқуқи жисмоний ва юридик шахсларга бирдай ва тенг ваколатлар асосида бериллади ва ухтиёрлик тарзда амалга оширилади. Ҳеч ким бирон-бир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларига дахл қилмаслиги керак. Қонунга мувофиқ хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси давлат органларига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Мазкур қонун муқаддам амалда бўлган қонундан бир қатор фарқли жиҳатлари билан ажралиб тура-

ди. Чунончи, эндиликда мурожаат қилувчи ўз сўровини тегишли органга ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳам ҳавола этиши мумкин. Бунда муаллифнинг мурожаати электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа рекузитларга эга бўлган электрон ҳужжат шаклида бўлиши талаб этилади.

Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакилларини қабул қилиш жадваллари, уни ўтказиш вақти, жойи ва қабулга олдиндан ёзилишга оид ахборот, шунингдек, қабул тартибини давлат органларининг веб-сайтларида эълон қилиш, уларнинг маъмурий биносиди ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига ҳавола этиш белгилаб қўйилди.

Давлат органларининг шахсий қабулни ўтказадиган раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад қилишга ҳақли эмас. Қонунда кўзда тутилган айрим ҳолатлар бундан мустасно, албатта.

Шахсий қабул давомида

давлат органининг раҳбари қарорига кўра ҳамда мурожаат қилувчининг ёзма тарздаги розилиги билан аудио ва видео ёзув, шунингдек, фотосуратга олиш имконини берадиган махсус техника воситалари қўлланилиши, давлат органларининг раҳбарлари ёки бошқа ваколатли шахслари томонидан сайёр шахсий қабуллар ташкил этилиши ҳам назарда тутилган.

Жорий этилган тартибга биноан агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан кўрикланадиган бошқа сирни ташкил қилувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг қабул қилиш жадваллари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ўзларидан сўраётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этишлари шарт.

Айни пайтда фуқаролар ва юридик шахслар ўз мурожаатларини улар кўриб чиқилаётган жараёнда қайтариб олишлари мумкин. Аммо мурожаатни қайтариб олиш ҳақидаги ариза давлат органлари томонидан қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича чоралар кўрилишини истисно қилмаслиги керак.

Мурожаат ҳар қандай ҳолатда ҳам атрофлича ўрганиб чиқишлари мумкин. Мурожаат қилувчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний

манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф қилиш учун йилига камида бир марта умумлаштириш тадбири ўтказилади. Қонун матнига жо этилган бу сингари янги қонунлар замон талаби, тараққиётимизнинг жадал одимларига ҳамоҳанг тарзда юзага келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, қонун талабига мувофиқ, давлат органлари мурожаатларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларга тўла риоя этишлари зарур. Бунда мурожаатларнинг ҳолис ва белгиланган муддатларда кўриб чиқиш чора-тадбирларини ишга солиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тиклаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларидан самарали фойдаланиш тақозо этилади.

Мурожаатлар қандай шаклда, яъни ёзма, оғзаки ёки электрон тарзда эканидан қатъи назар, барчаси бир хил аҳамият касб этади ва бирдай муносабатда бўлиши талаб қилади. Мурожаат қилувчилар эса, аризани қабул қилиш ва кўриб чиқиш қонунга зид равишда рад қилинганлиги юзасидан бўйсунув тартибиде юқори турувчи орган ёки бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Замонавий корпоратив бошқарув

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу ҳақда сўз борганда, Фармонда белгилаб берилган асосий мақсад-вазифалардан келиб чиқиб, шунингдек, халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилган ҳолда, "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услублари жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланганини таъкидлаш лозим. Мазкур қонун лойиҳасида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўналишида кенг қулайликлар яратишнинг замонавий ҳуқуқий асослари белгиланган.

Ушбу лойиҳада, жумладан, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида", "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида", "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Суғурта фаолияти тўғрисида"-ги қонунлар ҳамда Солиқ кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарор, Президентимиз Фармонда кўрсатилганидек, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши керак. Шунингдек, келгусида бир марта акциядорлик жамиятлари йиллик молиявий ҳисоботини нашр этиши ва Халқаро аудит стандартлари ҳамда Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказиши даркор.

Ана шу талаблардан келиб чиқиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгариш киритилмоқда. Яъни қонуннинг тегишли моддаларини жамият ижрочи директорини ёки бошқарув аъзоларини тайинлаш хорижий мутахассислар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши, шунингдек, жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботини Халқаро молиявий ҳисобот стандартига мувофиқ тузиш ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилган сўнг эълон қилиш шартлиги тўғрисидаги нормалар билан тўлдириб тақлиф этилмоқда.

Маълумки, Фармонда акциядорлик ва бошқа ҳўжалик жамиятлари номларида, уларнинг устав капиталдаги давлат улушидан қатъи назар, "давлат" сўзидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги талаби илгари сурилган. Шу асосда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги

давлат бошқаруви ҳамда автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш бўйича компаниянинг бу соҳадаги ваколатлари билан боғлиқ моддаларига, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг "Махсус ваколатли давлат органи" номли ҳамда Солиқ кодексининг ҳўжалик судларида давлат болиши тўлашдан озод қилиш ҳақидаги моддаларига акциядорлик ва бошқа ҳўжалик жамиятлари номлари билан боғлиқ тегишли таҳририй ўзгартишлар киритилмоқда.

Бундан ташқари Фармонда акциядорлик жамиятлари бошқаруви хорижий сифатида четдан жалб қилинган хорижий мутахассисларга ва улар сармоя киритган акциядорлик жамиятлари учун тегишли шарт-шароит, имтиёз ва энгилликлар яратиш назарда тутилган.

Шундан келиб чиқиб, янги тайёрланган қонун лойиҳасида акциядорлик жамиятларини бошқарув ходими сифатида жалб қилинган чет эллик мутахассиснинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тўлашдан озод қилиш, бошқарув ходими сифатида четдан жалб қилинган хорижий мутахассисни, шу фаолиятдан олган даромадларига даромад солиғи, шунингдек, фуқароларнинг Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий суғурта бадалларидан озод этувчи нормалар мавжуд.

Бундай ўзгартишлар Солиқ кодексининг жисмоний шахсларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ҳамда имтиёзлар ҳақидаги моддаларида ўз ифодасини топмоқда.

Шу билан бирга, Фармон билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув тизimini тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури талаблари қонун лойиҳасида тўла инobatга олингани қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусан, Солиқ кодексининг судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ моддасини акциядорлар ҳўжалик суди ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши, шунингдек, жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботини Халқаро молиявий ҳисобот стандартига мувофиқ тузиш ва Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилган сўнг эълон қилиш шартлиги тўғрисидаги нормалар билан тўлдириб тақлиф этилмоқда.

Умуман олганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юқорида номли қайд этилган Фармон ижросини талаб даражасида ижро этилишида кўлаш шариоитлар яратишни таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Абдигани УМИРОВ,
Элдор ТУЛЯКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари

Xabar

Истеъмомчилар ҳуқуқи изчил таъминланмоқда

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бугунги кунда жамоатчилик ва фуқаролик назорати институти жамиятнинг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлаш, одамларнинг кайфиятини, мамлакатда кечаётган ўзгаришларга муносабатини аниқлашнинг муҳим воситаларидан бирига айланмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур институтлар жамиятда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида изчил чора-тадбирларни амалга

оширмоқда. Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам жамоат ташкилотларининг ўрни ва роли кучайиб бораётди.

Ўзбекистон Миллий матбуот

марказида "Юксак ҳуқуқий маданият ва фуқаролик жамияти" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилди. Ўзбекистон Истеъмомчилар

ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан ташкил этилган тадбирда Марказий банк, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат солиқ кўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг эркин фаолият юритиши учун пухта қонунчилик базаси яратилгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахсининг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиби ва жимомияти, шайхш ва ижтимоий маквеи-га, юридик шахсларнинг эса, мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа

ларга жавоб бермаган тақдир-да кўриб чиқилмайди.

Мурожаат давлат органи то-монидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахс уни кўришнинг бориши ҳақида ах-борот олиш, вазларини назорат этиш ва тушунтиришлар бе-риш, мурожаатни текшириш материаллари ҳамда мурожа-атни кўриб чиқиб натижалари билан танишиш, қўшимча ма-

тириши зарур. Мурожаатни кўриб чиққан давлат органи, унинг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахслари мурожа-атни кўриб чиқиб натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши, шунингдек, агар жис-моний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий

Xabar

Истеъмолчилар ҳуқуқи изчил таъминланмоқда

Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Ҳозир юртимизда саккиз мингдан ортиқ нодавлат но-тижорат ташкилоти фаолият юритмоқда. Уларнинг асосий қисми фуқароларнинг ижти-моий-иқтисодий ҳуқуқлари химояси, аёллар ва ёшлар му-аммоларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқда.

— Истеъмолчилар ҳуқуқ-ларини химоя қилиш жа-миятлари Федерациясининг 14 та ҳудудий бирлашмаси, 193 та туман ва шаҳар жамияти, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув му-ассасаларида таянч гуруҳла-ри фаолият юритмоқда, — дейди Федерация бўлим бош-лиги Умида Мансурова. — Тизимимизда истеъмолчи-лар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатла-рини кенг тарғиб қилиш би-лан бирга, фуқароларнинг

ижтимоий ҳаётда дуч келаёт-ган турли муаммоларини ҳал қилиш алоҳида эътиборда. 2015 йилнинг ўтган даврида 5,4 мингдан ортиқ мурожаат тушган бўлса, унинг 92 фоиз-га яқини ижобий ечим топди, яъни 1,7 миллиард сўмга яқин маблағ истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди.

Федерация тизимида 1091 рақамли "ишонч телефони" ташкил этилгани аҳолига яра-ятлари федерациясининг 14 та ҳудудий бирлашмаси, 193 та туман ва шаҳар жамияти, маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда ҳамда ўқув му-ассасаларида таянч гуруҳла-ри фаолият юритмоқда, — дейди Федерация бўлим бош-лиги Умида Мансурова. — Тизимимизда истеъмолчи-лар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатла-рини кенг тарғиб қилиш би-лан бирга, фуқароларнинг

Матбуот анжуманида жур-налистларни қизиқтирган са-воалларга жавоб қайтарилди. Муаттархон РЎЗИБОЕВА

G'aroyib olam

Жонзотлар оламида асаларичалик тиришқоқ ва меҳнатсеварини топиш мушкул. Усида амага ошираётган гоят нозик ва шу баробар ўта пишиқ меъморий ишларни бошқа ҳашаротлар сира такрорлай олмайд.

Биз билган ва билмаган дунё

АСАЛАРИ МЎЪЖИЗАСИ

Бу соҳани ўрғанадиган апи-ология фанининг аниқлашчи, асаларининг 20 минг, бошқа ариларнинг 10 мингдан ортиқ тури мавжуд экан. Улар Ан-тарктидадан бошқа барча қитъаларда яшайди. Асалари нектар ва гулчанг йиғишга мослашган, нектар асосий қув-ватлантирувчи, гулчанг эса, оксил ва бошқа озик моддалар учун манба ҳисобланади.

тириш учун бор-йўғи 1 грамм мум кифоя қилади.

Агар асалари ҳосилдор ма-конни учратиб қолса, айлана муқом қилиб уйинга тушади. Бу ҳаракат унинг қонда 5-10 кило-грамм ҳосил тўплаши мумкин.

Бир килограмм асал олиш учун асаларилар 4 500 марта учинлари ва нектар олиш учун 6-10 миллион гулга қўнишлар-и керак. Энг кучли асалари оиласи бир кунда 5-10 кило-грамм ҳосил тўплаши мумкин.

Асалари ўз "уйи"дан 8 километр узоққа учиб, тагин адашмай топиб кела олади.

50-60 мингтадан иборат асалари галаси ўз жигилдо-нида 2-3 килограмм асални олиб юради. Мазкур захира 8 кеча-кундузга кифоя қилади.

Асалари бир мавсумда 55 килограммгача гулчанг йиғи-ши мумкин.

Энг кўп хирмон уювчи аса-ларилар Сибирдадир. Улар-нинг бир оиласи мавсумда 420 килограммгача асал йиғиб ола-ди.

Бу жонзотларнинг ҳаммаси ҳам асал йиғадими? Йўқ, бил-масангиз билиб олинг: оила-нинг 40-50 фоизи нектар йи-ғиш билан шуғулланади, холос. Қолганлар аксарият уй юмуш-ларини: янги иморат қуриш, не-ктарларни қайта ишлаб асал-га айланатириш билан банд бўлади.

Асалари "пахлавон" жон-зотлар сирасига киради. У ўзи-дан 320 баробар оғирроқ юкни таший олади.

Ҳайратланарли даражадаги геометрик аниқ шаклдаги аса-лари хужраси яна ҳайратла-нарли тарздаги кам қуриш аш-беси — атиги 1,3 грамм мум-дан иборат бўлади, қизиги, бу иморат ўта чидамли ва яшаш учун жуда кулай ҳисобланади.

Бундан тўрт минг йил аввал асал Ҳиндистонда асосий да-волаш воситаси сифатида дун-ёга келган. Ҳозир ҳам унинг ноёб аҳамияти йўқолгани йўқ. Унинг таркибида мис, темир, кремний, кальций, хлор, натрий, фосфор, алюмин, мағний моддалари бор. Асалдаги бир қатор минерал тузларнинг одам қонига ҳам мавжудлиги ҳайрон қоларли ҳодисадир. Бунинг устига асал ўзида ви-таминларнинг доимий равишда сақловчи ягона озик туридир. Масалан, исмалок таркибиди-ги С витаминининг 50 фоизи бир сутка давомида чиқиб ке-тади.

Швейцариядаги санато-рийларда камқон ва озгин бо-ларларни асал билан довола-шади, чунки у қондаги гемог-лабин миқдорини тез оширув-чи энг қулай восита хи-собланади. Американинг гиги-ена институтида ҳам болалар ва аёллар қувватини оширув-чи ягона дори асал қўшилган сут қилиб белгиланган.

Бошқа жуда кўп хасталиқлар-нинг профилактикаси учун асал қони фойда эканлиги ҳам кўпчиликка маълум.

Интернет маълумотлари асосида Оловиддин Собир ўғли тайёрлади.

Mezon

Фуқаролар мурожаати — қонун химоясида

ҳолатларга қараб камситишга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахсининг илти-мосига кўра, унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ош-кор этилмаслиги керак. Чунки қонунда мурожаатларни кўриб чиқиб чоғида аён бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмас-лик ва уни муҳофазалаш, му-рожаат қилувчининг хавфсиз-лиги қафолатлари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Шунингдек, аноним ҳамда жисмоний ва юридик шахслар-нинг вакиллари орқали берил-ган мурожаатлар, уларнинг ва-колатини тасдиқловчи ҳужжат-лар мавжуд бўлмаган ва қонун-да белгиланган бошқа талаб-

териаллар тақдим қилиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илти-мос қилиш, адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Мурожаатни кўриб чиққан дав-лат органи эса, мурожаат этув-чига кўриб чиқиб натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқил-ганидан сўнг ёзма ёхуд элект-рон шаклда дарҳол хабар бе-риши шарт.

Мурожаат юзасидан қарор қабул қилган давлат органи-нинг мансабдор ёки бошқа ва-колатли шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга ро-зи бўлмаса, унинг устидан ши-коят бериш тартибини тушун-

зарар ёки маънавий зиён ет-уларига бўлса, қонунда бел-гиланган тартибда моддий за-рарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриши керак.

Мухтасар айтганда, қайд этилган қоидалар, ҳеч шубҳа-сиз, юртдошларимиз манфаат-ларидаги хизмат қилмоқда. Бу эса, юртимизда "Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саода-ти учун", деган эзгу тамойил том маънода амалда эканининг яна бир ифодасидир.

Бобир УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Хоразм вилояти
судининг раиси

Диққат, танлов!

«Йилнинг энг фаол ахборот хизмати»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлиқларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик хўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида "Йилнинг энг яхши ахборот хизмати"

ижодий танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат ношжорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондунинг молиявий кўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2015 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик субъектлари, жамоат таш-килотларининг расмий ва ахборот сайтлари-да, шунингдек, мамлакатнинг босма ва Интер-нет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳавоаларни тақдим этган ҳолда, вазирликлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг Ф.И.Ш., ОАВда тадбир-лар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олти номинация бўйича ўтказилади:

- йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
- йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳба-ри ёки ходими;
- энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқару-ви органи расмий сайти;
- йил кашфиёти;
- маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;
- журналист наздидаги энг яхши ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳужжатлари рўйхати

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатил-ган мақолалар сони, ахборот хизмати ходим-ларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташки-лот нугузини бошқариш, имижини ўзгарти-риш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таъ-рифланган фаолият ва мақолаларнинг намуна-ларини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳавоалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳ-бари — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқлари-ни эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг Ф.И.Ш.нинг ОАВда қайд этили-ши, ташкилот нугузини бошқариш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мум-кин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манба-ларга ҳавоалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимия-ти ва бошқаруви органлари расмий сайти-нинг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳавоалар сони, веб-сайтга кундалик таширф буюрувчилар сони, чоп эти-лаётган ахборотнинг гоёвий-бадийи даража-си ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтта тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфиёти — жорий йилда йирик жа-моат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамия-ятининг бошқа институтлари ахборот хизмати

ходимлари ёки ахборот хизматининг фаоли-яти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус кўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари Ф.И.Ш. матбуот-да қайд этилиши, ташкилот нугузини бошқа-риш, имижини ўзгартириш бўйича ҳаракатлар бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва ма-қолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳавоалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхат-дан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва Интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳавоалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган матери-алларга репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимо-ий тармоқларда фойдаланувчилар билан муло-қат самарадорлигини эркин шаклда таъриф-лаш.

Журналист наздидаги энг яхши ахборот хизмати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ахборот хизматининг оммавий ах-борот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳам-корлиги механизми, масс-медиа вакилла-ри учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштирок этиш даражаси, шакллан-ган журналистлар пулининг мавжудлиги, журна-листлар учун махсус мавзуга доир танловлар-нинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақ-дим этиладиган тарқатма материалнинг сифа-ти, онлайн режимда ташкилот фаолияти ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчис-и томо-нидан имзоланган ва муҳр босилган, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, телефон рақами, манзили ва муаллиф паспор-тининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлд-рилган бланки ташкил этади.

Танловга топширилган материаллар ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида тайёрланган бўли-ши ва босма, Интернет нашр ёки веб-сайт кўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон ш-калда тақдим этилиши керак.

Фоторепортлашлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов голибларига совринлар

Голиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совга билан тақдирла-нади.


Материаллар 2015 йилнинг 4 декабригача "Йилнинг энг фаол ахборот хизмати" танло-вида" қайди билан Тошкент шаҳар 100129, А.Навоий кўчаси, 30 уй, 2-қават, 45-хона ман-зили бўйича Ўзбекистон мустақил босма ом-мавий ахборот воситалари ва ахборот агент-ликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожланти-риш жамоат фондига юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

Халқимиз азалдан ҳалоллик, поклик, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш каби инсоний фазилатларни юксак қадар қадрлаган. "Ҳалолнинг нони ширин", "Тўғри яшасанг — етарсан муродга, эгри яшасанг — қоларсан уятга" сингари ҳикматлар ҳам айни шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Jinoyatga jazo muqarrar

Баднафслик



оқибатда кишини юзшувут қилади

Бирок ҳаётда нафс кутку-сига учиб, жинойи қилмишга қўл урадиган кимсалар ҳам учраб туради. Шулардан бири Ф.Азизов оиласи, икки фарзанднинг отаси. Бу ёғини сўрасангиз, у илгари ҳам ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилгани учун тегишли жинойи жавобгар-ликка тортилган, фақат амни-стия актига биноан жазодан озод этилган эди. Аслини айтганда, бу Ф.Азизовга қил-мишдан тўғри хулоса чиқа-риб, ҳаётда тўғри йўлни то-пиб олиши учун берилган им-коният эди. Бирок у ўз бил-ганидан қолмади, яна қинг-ир ишларга қўл урди.

У "Ўзтемирийўловчи" очик акциядорлик жамиятининг Сурхондарё вилояти филиа-ли Термиз темирийўл шохбе-катига чипта сотувчиси ла-возимида фаолият юритиб келаркан, "ўрганган кўнгил ўртанса қўймас", қабилида иш тутди.

Аниқроқ айтганда, Ф.Ази-зов мазкур темирийўл шохбе-кати бошлиги Р.Ўзиев би-лан ўзаро жинойи тил бирик-тириб, 2014 йил феврал ой-идан май ойига қадар чипта-ларни фуқароларга нақд пул-га сотади. Аммо ҳамтоволар тегишли ҳужжатларга бу чип-талар пул ўтказиш ёки қайта расмийлаштириш йўли би-лан сотилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар киритиб, 48 миллион 523 минг 864

сўмни ўзлаштириш ва рас-трата қилиш йўли билан та-лов-тороқ қилишади.

Бу ҳаётда ҳар қандай кўри-нишдаги қинғирликнинг қи-яғи бугун бўлмаса, эртага, албатта, юзага қалқиб чиқ-иши тайин. Зеро, нопоклик ҳеч кимга наф келтирмаган. Орадан кўп ўтмай, ўз наф-сининг қулига айланиб қол-ган Ф.Азизовнинг ҳам кирди-корлари ошкор бўлди.

Суд жараёнида судланув-чининг қилмишларига қону-рий баҳо берилди. Яъни суд томонидан темирийўл шохбе-катига етказилган 48 милли-он 523 минг 864 сўм зарар Ф.Азизов томонидан қоплан-ганлиги инобатга олинди ва унга Жиноят кодексининг те-гишли модда ва бандларига асосан жазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шунга ай-тиш жоизки, ҳаётда ноқону-ний қилмиш ҳеч қачон беиз кетмайди. Тўғри йўлдан юр-май, эгри йўлни ихтиёр эт-ган кимса, албатта, қилми-шига яраша жазо олади. Шундай экан, умрни эзгу амаллар билан беэза яшаш инсонни маънавий жиҳатдан юксалтиришини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Дилшод ЭШМАТОВ,
жиноят ишлари бўйича
Термиз шаҳар судининг
раиси

Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Куч—адолатда
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуоти ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шононус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчкор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДҒОРОВ
Файрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрпоқ кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oilyusud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1022. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нархда. Адади: 7050.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁹⁰ Топширилди: 00³⁰